



2-беп



3-беп

4-5-беплар

7-беп

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

№ 179 (9.982)

2003 ЙИЛ 11 СЕНТЯБРЬ

ПОЙТАХТНИНГ Бир кунни

Янгиликлар, воқеалар

ҚИСҚА Сатрларда

● **ЎЗБЕКИСТОН** Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигида Осиё таъриқий банки томонидан ишлаб чиқилган она ва бола соғлиғини мустақамлашга йўналтирилган лойиҳанинг тақдирот маросими бўлиб ўтди.

● **КЕЧА** Тошкент шаҳар Соғлиқни сақлаш бош бошқармасида АҚШ соғлиқни сақлаш тизимида оилавий поликлиникалар фаолиятига бағишланган семинар йиғилиш бўлиб ўтди. Унда сўзга чиққан америкалик докторлар ўз мамлакатларида оилавий шифокорларни ўқитиш тизими, уларга қўйиладиган талаблар ҳамда оилавий поликлиникалар фаолияти борасида йиғилганларга атрафлича маълумот беришди.

● **БУГУН** Сергели туманида жойлашган «Оила» марказида «Элнажот» нодавлат-нотижорат хотин-қизлар ташкилоти ҳамда Германиянинг Фридрих Эберт жамғармаси билан ҳамкорликда ташкил этилган «Хотин-қизларнинг сиёсий фаоллигини ошириш» мавзусида анжуман бўлиб ўтди.

● **БЕКТЕМИР** туманидаги 293-мактабда «Маънавият ва маърифат» марказининг туман бўлими ташаббуси билан «Маънавият—тарбиянинг негизидир» мавзусида ўтказилган йиғилишда «Зилола» маҳалласи фаоллари, 293-мактабнинг ўқитувчилари ҳамда ўқувчилар иштирок этишди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

Бундан ўн йил аввал ташкил топган «Кумуш» қўшма корхонаси бугунги кунда нафақат Акмал Икромов тумани, балки шаҳар иқтисодиёти ривожланишига ҳам салмоқли ҳисса қўшиб келмоқда.

Корхона 925 тамғали юқори сифатли кумушдан турли ошхона анжомларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган бўлиб, маҳсулотининг асосий қисми Россия, Қозоғистон ҳамда Исроил давлатларига экспорт қилинади.

СУРАТДА: корхона назоратчи-қадоқловчиси Зебо Назарова мутахассис Абдунаби Исаев билан янги маҳсулот сифатини текширмоқда.

Ҳакимжон Солиҳов олган сурат.



МУСТАҚИЛ ЮРТ ФАЛЛАСИ

Истиқлолгача пахтадан бошқа экин экилмаган далаларда бугун беповён ғаллазорлар денгиздек мавжланиб турибди. Энди ўзбек деҳқонининг омбори донга тўла, дастурхонидан нон узилмайди. Ғаллачиликни ривожлантириш борасида ҳам

Ўзбекистон беқиёс имкониятларга эга эканлиги бугун ҳеч кимга сир эмас. Ҳар гектар ердан 70-80 центнердан ошириб дон олаётган деҳқонлар йилдан-йилга кўпаймоқда. Уларнинг баъзилари, ҳатто, юз центнерлик маррани забт этишга ҳам муваффақ бўлмоқда. Мутахассислар эътирофича, мамлакатимизда ғалла ҳосилдорлигини ошириш, унинг маҳаллий тупроқ-иклим шароитига мос, истиқболли навларини яратиш борасида олиб борилаётган изланишлар келажақда янгидан-янги натижалар бериши шубҳасиз.

Ҳаётда оддий бир янгиликдан тортиб оламшумул гоёларнинг пайдо бўлиши ва амалга ошиши энгил кечмайди. Шу маънода, Президентимиз Ислон Каримов ташаббуси билан бошланган ғалла мустақиллигига эришиш сиёсати ҳам осонликча амалга ошгани йўқ. Зотан, бундай кенг қамровли сайё-ҳаракатларни муваффақиятли яқунлаш оддий деҳқондан тортиб мутахассислар, раҳбарлардан ҳам жуда катта маъсулият талаб этар эди.

Энг асосийси, ғалла мустақиллигига эришиш Ўзбекистоннинг иқтисодий мустақиллигига ҳам бевосита дахлдор эди. Ўзбеки-

стон Матбуот ва ахборот агентлигининг «Ўзбекистон» нашриёти мамлакатимиз мустақиллигининг 12 йиллигига бағишлаб «Мустақил юрт ғалласи» деб номланган янги китобни нашрдан чиқарди. Китобда истиқлолимизнинг боқийлиги, юрт тинчлиги, Ватан тараққиёти, халқ фаровонлиги йўлида фидойилик кўрсатиб меҳнат қилаётган инсонларнинг мураккаб шароитда ғаллачиликни ривожлантириш соҳасида амалга оширган ишлари, бу йўлда дуч келинган қийинчилик ва муам-

молар қай тарзда бартараф этилгани хусусида ҳикоя қилинади. Ғалла етиштириш салмоғининг йилдан-йилга ошиб бориши, ҳосилдорлиқнинг ўсиш омиллари таҳлил қилинади. Деҳқонлар ва мутахассисларнинг эришилган ютуқлар ҳақидаги фикрлари қаламга олинади.

Очиги, истиқлол йилларида мамлакатимизда дон мустақиллигига эришиш йўлида амалга оширилган ишлар, қўлга киритилган ютуқлар ҳақида ихчам бир китобда батафсил ҳикоя қилиш мушкул. Бу мавзуда яна кўплаб китоблар битилиши, шубҳасиз. Чунки ўзбекнинг ўз дониغا, ўз нонига эга бўлиши истиқлол йилларида қўлга киритилган энг улкан ютуқлардан бири сифатида ҳам теран мазмун-маъно касб этади.

(ЎЗА).

Ўзбекистон ғалла мустақиллигига эришди. Яқин-яқингача аҳоли эҳтиёжи учун зарур бўлган бир неча миллион тонналик доннинг машаққатлар эвазига четдан келтирилган мамлакатда қисқа вақт ичида ҳақиқий мўъжиза юз берди. Кечатгина юз минг тоннанинг нари-берисида бугдой етиштирган Ўзбек ғаллакори бугун миллион-миллион тонналик хирмон уймоқда.



XVI saqosi

Барча мавбаларда олган сўзга хабарлар

Мамлакатимизда

● **Ўзбекистон Республикаси** Президенти Ислон Каримов номига мамлакатимиз мустақиллигининг 12 йиллиги муносабати билан хорижий давлатлардан самимий кутловлар келиши давом этмоқда.

● Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Малайзия Қироли Янг Ди-Пертуан Агон XII Туанку Сайед Сиражуддин Сайед Путра Жамалуллайл Зоти Олийлари кеча Самарқандга ташриф буюрди.

● Республика «Маънавият ва маърифат» маркази Олий Мажлиснинг иккинчи ҳақиқий XII сессияси материалларини, қабул қилинган янги қонун ҳамда қарорларни ўрганишга бағишланган тадбирнинг навбатдагисини Давлат солиқ қўмитасида ўтказди.

● Тошкент вилоят ҳокимлигида «Ҳамдўстлик» халқро аёллар клуби билан ҳамкорликда «Мустақиллик. Маданият. Халқро ҳамкорлик» мавзусида анжуман бўлиб ўтди.

● Самарқанддаги немис маданият марказида «Менинг Самарқандим» деб номланган бадиий кўргазма очилди. Унда Самарқандда яшаб, ижод этаётган ўнлаб хорижий мусаввирларнинг Самарқанд тарихи, шаҳарнинг кечаси ва бугуни ақс этган бетакорор тасвирий санъат асарлари намойиш этилмоқда.

● «Ўзқспомарказ» Республика савдо-кўргазмалар марказида «O'zbek in print» ва «O'zirasak — 2003» халқро кўргазмаси бешинчи бор иш бошлади.

● Янги ўқув йилининг дастлабки ҳафтасида Фарғона водийсидаги 25 та мактабда АҚШнинг «USAID» халқро тараққий агентлиги кўмағида компьютер марказлари очилди.

Жаҳонда

● **Европа олий суди** Европа мамлакатлари генетик жиҳатдан модификация қилинган маҳсулотларнинг тарқатилишини вақтинчалик чеклашлари мумкинлиги тўғрисида қарор қабул қилди.

● **Бугун АҚШнинг Нью-Йорк шаҳрида** йирик террорчилик ҳаракати содир этилганига икки йил тўлди. АҚШ Президенти Жорж Буш 11 сентябрни мамлакатда «Ватанпарварлик кунни» деб эълон қилди.

● **Индонезия суди** Балида 2002 йилнинг октябр ойида портлашларни ташкил этишда қатнашган жангарилардан бирини ўлим жазосига ҳукм қилди.

● **Исроилнинг Тель-Авив шаҳридаги** ҳарбий базида амалга оширилган террорчилик ҳаракати курбонларининг сони 8 тага етди.

● **Россия Фавқулодда Вазиятлар вазирлигининг** хабарига қўра, Ка-32 вертолётда юз берган ҳалокат пайтида ҳаётдан қўз юмган барча 9 кишининг жасадлари топилган.

● **Қозоғистоннинг Алматы шаҳрида** ўтказилган муайтай бўйича жаҳон чемпионатида юртимиз спортчилари 2 та олтин, 4 та кумуш ва 4 та бронза медалларини қўлга киритган ҳолда катта зафар кучдилар.

ОСИЁ ЧЕМПИОНАТИ-2003

КЕЧА Тошкент шаҳар ҳокимлигида 20-27 сентябрь кунлари пойтахтимизда ўтказиладиган спорт байрами — теннис бўйича Осиё чемпионатида тайёргарлик юзасидан ташкилий гуруҳнинг йиғилиши бўлиб ўтди.

Эслаб ўтиш жоиз, ўтган йили мажор чемпионат доирасидаги турнир биринчи бор Ўзбекистонда ўтказилган бўлиб, Осиё теннис федерацияси тақдирига биноан Тошкент шаҳри ўн йил давомида Осиё чемпионатининг мезбони бўлиб қолиши белги-ланганди. 2002 йилги Осиё турнири мусобақаларида 15 мам-

ШАҲРИМИЗДА ТЕННИС ЮЛДУЗЛАРИ БЕЛЛАШАДИ

лакатдан теннис юлдузлари иштирок этган бўлса, дастлабки маълумотларга қўра, «Осиё-2003»-да минтақанинг 19 давлатидан энг кучли катта ракетка усталари қатнашиш истагини билдирган.

Бундай нуфузли тадбирни юқори савияда ўтказиш борасида айна пайтада қизин тайёргар-

лик ишлари олиб боришмоқда. Аънага қўра, чемпионат мусобақалари Тошкент теннис марказида бўлиб ўтади. Шу боисдан ҳам ташкилий гуруҳ йиғилишида мажор спорт мажмуасида халқро талаблар даражасидаги шарт-шароитлар яратиш лозимлиги таъкидлаб ўтилди. Шунингдек, шаҳримизда ўтказиладиган теннис турнирини ҳақиқий спорт

байрамига айлантириш мақсадида асосий эътиборни кўча ва шўхчуларни чемпионат рамзлари ақс этган ҳолда чиройли безатиш, турнир беллашувларини оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилишини таъминлаш масалалари кўриб чиқилди.

Теннис ихлосмандларига шунчи ҳам маълум қилмоқчимизки, Осиё чемпионати доирасида болалар кунни, турли қизикарли вилетриналарда ўтказилиши ва албатта теннис юлдузлари томонидан мажор савгалар тақдим этилиши режалаштирилган.

Ильмира ШАРАФУЛЛИНОВА

Иқтисодиёт

МАХСУС ИШ КИЙИМЛАРИ

Оғир шароитда ишловчи, кимёвий ва электр энергияси воситаларидан фойдаланувчи ишчи-хизматчиларнинг соғлиги, уларнинг меҳнат фаолиятидаги шарт-шароитлари ҳар доим эътиборда бўлиши қўзда тутилган. Чунки инсон организми чанг, kuchли ёруғлик энергиялари, кимёвий ва зарарли моддалар таъсирида тезда захарланиб, касалликка чалиниши ҳаммамизга маълум. Бундай шароитда фаолият олиб боровчи ходимлар учун эса ҳар доим зарарли моддалардан асровчи махсус иш кийимлари лозим. Акмал Икромов туманида жойлашган «Махсус иш кийим» масъулияти чекланган жамияти айна шу мақсадда иш юритади.

Фаолият бошлаганига қисқа муддат бўлган ушбу корхона жунли, тери, пахта матоларидан ишчи-хизматчиларнинг меҳнат муҳофазаси учун турли хилдаги махсус иш кийимлар тайёрлаб, буюртмачилар эҳтиёжини қондирмоқда.

— Биз ҳар бир корхонанинг қандай турдаги маҳсулотга талаби юқорилигини олдиндан ўрганиб, шунга яраша тайёр кийимлар ишлаб чиқаришга ҳаракат қиламиз, — дейди корхона раҳбари Наримон Тўйчиев. — Айна пайтда «Аммофос», «Меҳржон», «Ўзфторқаттиқметалл», «Тошкентдон» корхоналари билан ҳамкорликда, буюртма асосида фаолият юритаемиз. Амалга оширилиши лозим бўлган ишларимиз ҳали олдинда, муаммоларимиз ҳам йўқ эмас. Мақсадимиз ишлаб чиқараётган маҳсулотимиз ўзининг сифатлилиги билан бошқалардан ажралиб турсин, шунингдек озми-кўпми оғир шароитда ишлайдиган инсонлар соғлигини асраб қолишга ўз ҳиссамизни қўшишга ҳаракат қиламиз.

«КЎЗГУ-МУҲАББАТ» МЕБЕЛЛАРИ

«Халқимизда эски буюмни ямагунча эсинг кетар», деган ибратли нақл бор. Аммо бозор иқтисодиёти шароитида янги буюмни юқори нархда сотиб олиш эса унданда қийинроқ масала эканлиги барчага маълум.

Бугунги кунда шахримиздаги «Кўзгу-муҳаббат» масъулияти чекланган жамияти ходимлари мебелларни қайта таъмирлаб, аҳолига керакли уй жиҳозларини ишлаб чиқаришга ҳаракат қилмоқда.

Корхона айна пайтда елимдан маиший буюмлар, буюртма асосида штамп қолиплар тайёрлаб, аҳолига хизмат кўрсатиш доирасини кенгайтирмоқда. Шунингдек, ушбу корхонада ясалган эшик ва ромлар янги қурилаётган иморатларнинг таъқи кўринишини безамоқда.

Орузгул РУСТАМОВА

«Socialook International»:

Ўзбекистон: Мустақилликнинг 12 йиллиги

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 12 йиллик байрами муносабати билан Ҳиндистонда чоп этиладиган «Socialook International» журнаlining сентябрь ойи сонини мамлакатимиз ҳаётига бағишладик. Нашр муқовасида Ўзбекистоннинг қутлуг байрамини акс эттирувчи рангли суратлар «Ўзбекистон: Мустақилликнинг 12 йиллиги» номли сарлавҳа билан журналхонлар эътиборига ҳавола қилинган.

Журнал Ўзбекистонда бўлиб ўтадиган байрам тантаналарига алоҳида эътибор қаратар экан, муқованинг ички саҳифасида журнал бош муҳаррири Б.С.Гуптанинг мамлакатимиз раҳбарига йўллаган самимий қутлов сўзларини чоп этган. Журнал муқовасининг биринчи ва тўртинчи бетларини безаб турган турли-туман рангли суратлар, фотолавлар туркуми эса мамлакатимиз ҳаётини акс эттириш билан бирга халқимизнинг қутлуг байрам шукҳини ифодалаган.

«Socialook International» журнали бош муҳаррири Б.С.Гупта Ўзбекистонни қўнандан биладиган кўп сонли чет эллик журналистлардан бири бўлиб, у 2002 йилнинг январида мамлакатимизда ўтган умумхалқ референдумида халқаро кузатувчи сифатида иштирок этган. Балки шунинг учундир, журналнинг учинчи саҳифасидаги муҳаррирнома «Ўзбекистон: Мустақилликнинг 12 йиллиги» деб номланган ва унда мамлакатимиз мустақиллигининг дастлабки кунларидан то ҳозирги давргача эришган муваффақиятлари атрофлича таҳлил қилинган.

Шунингдек, журналда «Бугунги Ўзбекистон», «Ўзбекистон Республикасида сармоявий иқлим: хоржий сармояларни жалб этишдаги устувор йўналишлар», «Ўзбекистон иқтисодий ислохотлар йўлида» ва «Ўзбекистон бадий академияси» номли туркум мақолалар эълон қилинган. 1974 йилдан буён халқаро ҳаётни мунтазам ёритиб келаётган журналнинг Ўзбекистонга бағишланган саҳифаларида мамлакатимиз ҳаётига оид ўнга яқин энг сўнги янгиликлар ҳам чоп этилган.

Шухрат УМИРОВ, «Жаҳон» ахборот агентлиги, Дехли.

ПЕРИНАТАЛ МАРКАЗ ОЧИЛДИ

Тошкентда 2-шаҳар перинатал маркази очилди.

Тўққизинчи туғруқхона негизида мазкур марказнинг ташкил этилиши мутахассислар ва беморлар учун айна муддао бўлди. Мазкур муассаса республика Акушерлик ва гинекология институтининг филиали сифатида иш бошлади.

Давлатимиз раҳбарининг соғлиқни сақлаш тизимини янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисидаги Фармонида республикада клиник марказлар ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилган. Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш давлат дастурида ҳам иxtисослаштирилган илмий марказларнинг вазифалари ва тизимдаги аҳамияти алоҳида белгилаб қўйилган. Зеро, ҳар бир инсон ўз давомчисининг соғлом ва бақувват бўлишини истади. Баркамол фарзандларнинг дунёга келиши ҳамда парвариш қилинишида мазкур марказлар муҳим ўрин тутади.

«Туркистон-пресс»



— Халқ истеъмоли молларига бўлган талабни қондириш, ички бозорни маҳаллий рақобатбардош товарлар билан тўлдириш йўлида жумладан тadbиркорларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг хом ашё, кредит маблағлари, ишлаб чиқариш майдонларига бўлган эҳтиёжини таъминлашда Тошкент шаҳар ҳокимлиги томонидан кўп ишлар амалга оширилатганини инкор қилиб бўлмайди, — дейди биз билан суҳбатда корхона директори Ҳамза Хушвақов. — Хусусий фирма ёки бошқа мулкчилик шаклидаги корхона бўладими, бозор иқтисодиёти шароитига мослашишдан бошқа илоҳи йўқ. Ислохотларнинг ҳозирги босқичида рақобат кучайиб бораётгани сир эмас ва унга бардош бериш учун фақат битта имконият бор — у ҳам бўлса сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришни уддалаб йўлга қўйиш, акс ҳолда барча қилинаётган ҳаракатлар зое кетиши муқаррар. Бундай шароитда ошана-оғайнигарчилик, таниш-билишчилик кетмайди. Ёрдамни ҳар бир раҳбар авваллабор ўзидан излаши ва фақат ўзига ишониб ишлаши зарур...

Ҳамза ёш бўлишига қарамай, бозор иқтисодиёти амалиётини ўта мукамал бўлмаса ҳам, лекин ипидан игнасиғача тушуниб етишга улгурди. Бунга эса хорижда олган билимлари асос бўлганини тadbиркор алоҳида урғу бериб айтиб ўтди. Тошкент Давлат молия институтини тугатгач, Ҳамза Хушвақов 1995 йилда магистратурада ўқини давом эттириш учун Истанбулга йўланма олди. Хориждан қайтган бир неча йил молия институтида дарс берди, Марказий банкда ҳам фаолият юритди. Орттирган билимларини ҳаётда сынаб кўриш ниятида даставвал тижорат билан шуғулланишга аҳд қилди. Яъни тadbиркорлик фаолиятини савдо-сотикдан бошлади ва бу борада туркиялик дўстларининг ёрдами асқотди. Ички бозорни ўргангач, Ҳамза талаб юқори бўлиб бораётган эркакларнинг классик шим ва костюмларини ишлаб чиқариш юзасидан тайёргарлик ишларини бошлаб юборди.

— Бунинг учун биринчи навбатда да-

стгоҳлар сотиб олиш, замонавий технологиялар киритиш, мутахассисларни тайёрлаш, фаолият юритиш учун жой масаласини ҳал этиш ва албатта маблаг зарур эди, — сўзида давом этади корхона фаолиятининг илк кунларини эслаб ёш тadbиркор. — Иш бошлаш учун кредит олган кўп тadbиркорларнинг ночор молиявий аҳолини яхши билганим боис, санокли маҳсулот ишлаб чиқарсам ҳам, қарз олмасликка ният қилдим. Хуллас, бор маблағларимни ҳамлаб бошиди

бор корхона маҳсулотларининг сифати кафолатланганигидан дарақидан.

— Шу кунгача асосий хом ашёни четдан сотиб олишга тўғри келмоқда, лекин бу ички бозор билан ҳамкорлик қилиш имконияти йўқ дегани эмас, — таъкидлайди Ҳ.Хушвақов. — Афсуски, айна пайтда «Косонсой-Текмен» қўшма корхонаси матоларининг таннари бизга тўғри келмайди. Очигини айтганда, четдан олиб келинаётган хом ашё анча арзонга тушмоқда. Бунинг учун Ташки иқтисодий алоқалар агентлиги билан ту-

ТАДБИРКОРЛИК

ИМПОРТ ЎРНИНИ БОСАДИ

Қисқа вақт ичида «Ҳамза-коллекшн» савдо белгиси билан ички ва ташқи бозорда ўз ўрнини топишга улгурган «Талаяна» корхонаси раҳбари учун шаҳар фаоллар йиғилишига таклиф этилиши қутилмаганда бўлди, бироқ бунинг бежиз эмаслигини у яхши тушунар эди.

япон тикув машиналарини харид қилдим, кейинчалик ишчиларни замонавий технологияларга ўргатиш учун шартнома бўйича бир йилга Туркиядан учта мутахассисни таклиф этдим. Дастлаб ижара ҳисобида иш юритган бўлсак, яқинда топган даромадларимиз эвазига икки қаватли бинони сотиб олишга эришдик. Ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда бу ерда таъмирлаш ва қурилиш ишлари ҳам олиб борилиб, улар яқин кунларда нҳорясига етади.

«Талаяна» корхонаси ишлаб чиқараётган маҳсулотларининг юқори сифати эвазига қисқа вақт мобайнида кўп буюртмачиларга эга бўлиб, муваффақият қозонганлиги хусусида юқорида айтиб ўтгандик. Яқин кунларда корхона раҳбарининг бевосита бошчилигида олиб борилган мунтазам маркетинг ишлари натижасида Қозоғистон ва Қирғизистонда «Талаяна»нинг савдо уйлари оқишига эришилди ва бу ерда йилига 200 миллион сўмлик маҳсулот сотилиши юзасидан шартнома имзоланганлиги яна бир

зилган валюта шартномаси асосида Туркия, қисман Тайвандан ҳар бир мавсумга мос матолар сотиб олиш имкониятимиз бор. Улар асосида ишлаб чиқарилаётган эркаклар устки либослари ички бозорга киритилаётган турдош маҳсулотларга қараганда 30 фоиз арзон ва бемалол экспорт ва импорт ўрнини қоплайди. Шу ўринда яна бир фикримни айтмоқчи эдим. Маҳсулотларимизни фақат стационар равишда эмас, балки дилерлар орқали очиқ тарзда ҳам сотишга ружаст берилганда, ички бозорда истеъмол молларига бўлган талабни маҳаллий товар ишлаб чиқарувчилар ҳисобига аста-секин тўлдириб боришга эришиш мумкин деб ўйлайман...

Уддабурон тadbиркор ҳаракати билан яқин кунларда «Узуйжойжамгармабанк»нинг Собир Раҳимов туман бўлими томонидан янги лойиҳа учун кредит ажратиш масаласи ҳал этилди. Ушбу лойиҳанинг татбиқ қилиниши натижасида қўшимча 200 та иш ўринлари ташкил қилиниб, конвейер усулида эркаклар учун мўлжалланган костюм ва шимларни замонавий технология асосида ишлаб чиқарилиши йўлга қўйилади.

Ильмира ЗАЙНУТДИНОВА. СУРАТЛАРДА: «Талаяна» хусусий фирмасининг қўли гул чеварлари; корхонанинг тикув цехида. Ҳақимжон Солиҳов олган суратлар.

Тошкентим — боғу бўстоним



ИЗЛАНИШЛАР ДАВОМ ЭТМОҚДА

Абдулазиз МУХРИМОВ,

Тошкент давлат гулчилик ва манзарали боғдорчилик хўжалиги директори:

— Шахримиз яшил зоналарини янада кенгайтириб ва бойитиб бориш мақсадида Шредер номидаги илмий-текшириш институти, Ботаника боғи ҳамда давлат гулчилик ва манзарали боғдорчилик хўжалиги томонидан ҳар йили баҳор ва куз мавсумига минглаб кўчатлар экишга тайёр қилиб етказилади. Уларни етиштириш ва кўпайтириш жараёни қанчалик машаққатли эканлиги фақат шу фаолият билан машғул бўлган мутахассисларга маълумдир.

Дарахтлар ҳам, буталар ҳам икки хил усул — уруғи ва вегетация, яъни қаламча ёки пархши йўли билан кўпайтирилади. Табиий равишда уруғи билан кўпайтириш усули энг оммабоп ҳисобланади. Лекин ҳамма ўсимликларни ҳам, айниқса манзарали дарахтларни уруғи билан кўпайтиришнинг иложи йўқ. Айрим дарахтлар фақат вегетацияга «бўйсунди». Бундай турларга маҳаллий шароитда чидамли уруғ яратишга қодир бўлмаган, шунингдек гибрид ва боғларда парвариш қилинадиган уруғи орқали кўпайтирилишида манзарали хусусиятларининг давомийлигини қайта тақрорламайдиган ўсимликлар қиради.

Манзарали дарахт ва буталарни уруғи билан кўпайтириш усулларини ўзлаштириш борасида авваломбор уларнинг биологик жиҳатлари, уруғларини етиштириш, вақтида териш, экишга мойиллиги бўйича сифатини ажратишдан бохабар бўлиш лозим албатта. Тез униб чиқадиган уруғларни экишга алоҳида тайёрлаш унча кўп вақт талаб этмайди. Уз навбатида «йўқудан» сўнг бўртиб чиқадиган уруғларга нисбатан даставвал стратификация, скарификация усулларини қўллаш ёки уларни буглаш лозим.

Стратификация деганда уруғлар униб чиқиши учун тегишли шароит ва имконият яратиб бериш тушунилади. Бунинг учун уруғ кум орасига қўмилиб, тахтадан ясалган идишларда нам ҳолатда ёки ўрада сақланади. Бу усул қўлланилганда хона ҳарорати 4-6 °C илқ бўлиши лозим. Хар ўн беш кунда уруғ кум билан аралаштирилиб турилади ва шишиб,

униб чиқишга тайёр бўлгандан сўнг дарҳол экишга мослаштирилган майдонга сепилади.

Скарификация усулининг моҳияти уруғнинг ташқи қаттиқ қопламасини йирик кум билан ёриш ёки махмас машиналарда қиришдан иборат. Пўстлогидан тозаланган уруғ сувда бўктирилиб, бўртиб чиққандан кейин экилади.

Қайноқ сувда асосан дуқакли ўсимликлардан бундук ва гледичия уруғлари бугланади. Бунда сувнинг ҳарорати 90-95 °C иссиқ бўлиши зарур.

Алоҳида тайёрлаш тақозо этилмаган уруғлар уй ҳароратига тенг бўлган сувда бўктирилиб, бўртиши билан экилади. Агарда бунинг учун 24 соатдан ортқ вақт талаб этилса, сув алмаштириб турилиши лозим.

Уруғни экиш пайти турлича бўлади. Айни пайтда, яъни куз мавсумида скарификация қилинган йирик уруғлар сепилади. Баҳор ойларидан майда уруғлар экилса, ёзда, масалан, кумуш заранг дарахти, қишда — қор пайтида қайин уруғлари ерга ўтказилади. Уруғнинг миқдор меъёри биринчи навбатда ҳажми ва сифати билан белгиланади. Кўчатлар сув сепиши орқали етиштириладиган хўжалиқларда уруғлар оралиги 70 сантиметр бўлган хўяк оғиб экилади. Бунда ҳар бир метр жойга 30-35 дона уруғ бостирилади. Чуқурлиги уруғнинг катта-кичиклигига боғлиқ. Эман, каштан, ёноқ дарахтининг уруғлари 10 сантиметргача чуқурликда ўтказилади. Уртача уруғлар — 2-3 сантиметр, майдалари — юзароқ ҳам экилаверади. Баҳор мавсумида уруғ сепилган майдон усти қипчи, ўғит қориммаси билан қопланади.

Кўчатларнинг қаламча ёки пайванд қилиш йўли билан кўпайтирилиши вегетатив усулга қиради. Терак, мажнунтол, бирючина дарахтлари қаттиқ ёғоч қаламчалари билан кўпайтирилади. Атиргул, жасмин, дейция, форзичия каби бутасимон ўсимликлар ҳамда игнабаргли дарахтлар нозик кўк қаламчалардан етиштирилади. Шумтол, япон софораси, мевали дарахтлардан олма, олхўри, тут,

шунингдек атиргул ҳам пайванд қилиш орқали кўпайтирилади. Дарвоқе, «Тошкентим — боғу бўстоним» рунки остида чоп этилаётган мақолалардан бирида август—сентябрь ойларида куртак пайванд қилиниши ҳақида мутахассислар тавсиялари берилган. Пайванднинг шунингдек ускуна усули баҳорда ўсимликлар танаси намликка қираётган пайтда амалга оширилади.

Дарахт ва буталар бундай йўл билан кўпайтирилишининг самарали натижаси пайванд қилинган ўсимликнинг соғломлиги, тегишли шароитга мослашганлигига боғлиқдир. Юқори манзарали хусусиятга эга дарахтларнинг янги навларини етиштириш анча мураккаб жараён ҳисобланади. Юқорида айтиб ўтилганидек, уруғи орқали кўпайтириладиган дарахтларнинг бундай хусусиятлари кейинги наслда қайтарилмайди. Шу боисдан ҳам пайванд усули қўлланилади. Айни пайтда аксарият хўжалиқарида бу усул кенг тарқалган. Манзарали гулчилик ва боғдорчилик хўжалигида акция, мажнунтол, заранг, шумтол дарахтларини пайванд билан етиштириш яхши йўлга қўйилган.

Кўк қаламча усули ҳам кейинги йилларда айниқса ўсимликларни қимматбаҳо турларини кўпайтиришда кўп қўлланилмоқда.

Бугунги кунда давлат гулчилик ва манзарали боғдорчилик хўжалиги илмий ходимлари томонидан бу борадаги изланишлар давом этмоқда. Уларнинг натижалари эса шахримизнинг хушманзарали яшил зоналарида бевоосита намён бўлаверади.

Ўсимликлар дунёси

ЛОЛА ДАРАХТИ

Катта дарахтлар қаторига қиради. Бўйи 40 метргача чўзилиши кузатилаган. Танаси конус шаклида кенг ва тўғри ўсади.

Лира мусиқа асбоби кўринишидаги ялтироқ кўк-яшил барглари ва оч-сарик гуллаши туфайли лола дарахти атрофга жуда хушманзара бахшида этади. Май ойида гулга бурканади. Тез ўсади, намликка ўч, юмшоқ тўпроқда яхши ривожланади.

Лола дарахти шаҳар шароитига яхши мослашган, қаттиқ совуқни ҳам кўтараверади.

Ушбу манзарали ўсимликни уруғидан кўпайтириш мумкин, ammo униб чиқиши ҳажми атиги 56 фоизни ташкил қилади. Шу боисдан ҳам лола дарахтини илк даврида ўта эҳтиёткорлик билан, имкон қадар салкироқ шароит яратган ҳолда парвариш қилиш тавсия этилади.

Лола дарахтининг шахримизнинг ҳар бир сўлим гўшаларида учратиш мумкин.

БАГРЯНИК

Бўйи 5-10 метргача чўзиладиган багрянник кичкина, ammo қаттиқ дарахтлар туркумига қиради. Унинг ялтироқ ва силлиқ барглари тухумсимон кўринишда, гуллари оч сиёҳ рангда бўлади.

Багрянник барглари чикармасдан илгари март-апрель ойларида жуда қуюқ ва чиройли гуллайди.

Куруқликка ва совуққа чидамли. Шаҳар шароитида аста-секин ўсади, лекин уруғидан тез кўпайтириш мумкин.

БОЯРИШНИК

Бу ўсимлик ҳам юмалоксимон ва қуюқ баргли дарахтлар турига қиради. Гуллаган пайтда бояришникнинг барча шохлари майда-майда оқ ёки пушти гунчаларга бурканади.

Бояришник қанча тез-тез кесиби турилса, шунча яхши ўсаверади. Шу хусусияти туфайли уни яшил девор сифатида устириш ҳам мумкин. Меваси турли кўринишда, ранги ҳам ҳар хил.

Бояришник уруғи билан сертификация усулида сараланади.

Пойтахтимиз кўрқига кўрк қўшаётган турли меъморий ечимдаги осмонупар бинолар, кенг ва раvon кўчалар, замонавий кўприклар, истироҳат боғлари ва хиёбонларни ландшафт архитектурасига мутаносиб бўлган яшил дунё — манзарали дарахтлар ва гулларсиз тасаввур қилиш қийин албатта. Лекин шахримиз янада яшил либосга бурканиб, унинг хуснига мос бўладиган ўсимликлар экилиши ва доимий равишда парвариш қилиниши борасида тегишли ҳаракат ва ҳамжиҳатлик ҳар доим ҳам сезилмаётганини инкор қилиб бўлмайди.

Кўчаларимизга экилган ўсимликлар орасида оралиги жуда зич ва ёки уруғидан чиқиб эски зийнатли дарахтларни бўғиб қўяётган тут, айлан, гледичия каби дарахтлар, пала парши қилиб буталанган ёки шакл берилмаганларнинг ҳам борлигини кўриб ачинамиз. Уз навбатида хиёбон ва боғларимизда доим яшил игна баргли ва кенг баргли, гуллари чиройли ва узоқ муддат очилиб турадиган, ёқимли, нафис ҳидли, барглари ва мевалари тупида баҳоргача сақланиб турмайди-ган ўсимликлар кўпроқ ўрин олишини ким истамайди дейсиз.

Шундай манзарали ва фойдали хусусиятларга бой, ўзига хос чиройли шох-шаббалари бор, салобатли, тез ўсиб ривожланадиган, шакл беришни талаб этмайдиган, туп гуллари йирик, кўп гулли, пирамидасимон ёки гуллари оқ, пушти рангли асал-

ширага бой, панжасимон йирик барглари кўзда ёппасига тўкиб юборадиган, меваси шифобахш ва озуқа бўладиган ўсимликлардан бири кўнғир сохтакаштандир.

Сохтакаштан туркуми сохтакаштандошлар оиласига мансуб ва шу кунга қадар фан оламида унинг 13 тури маълум. Каштаннинг 6 тури Шимолий Американинг марказий қисмида жойлашган Калифорния ва Мериленд штатларида табиий шароитда ёввойи ҳолда ўсади. Кўнғир сохтакаштан Болқон ярим оролининг жанубида — Албания, Греция ва Болгарияда,

КЎРКАМ ВА ШИФОБАХШ

қолган бошқа турлари Химолай, Хитой, Ҳиндистон, Япония ва Осиёнинг жанубий мамлакатларида кенг тарқалган.

Сохтакаштан лотинчада хиппокаштанум деб аталади, яъни истеъмол қилинмайдиган ўсимлик маъносини Билдиради. Истеъмолга яроқли ҳақиқий ёки чин каштан эмандошлар оиласига мансуб. У Урта Ер денгизи атрофидаги худудларда ўстирилади.

Кўнғир каштан Ўзбекистонга, асосан Тошкент, Самарқанд ва Наманганга дастлаб 1883 йилда кириб келган. Кейинчалик уни Урта Осиё бўйлаб экиш ва ўстириш кенг авб олди.

Айни пайтда сохтакаштан туркумининг турлари

Европада, шу жумладан Россиянинг деярли ҳамма йирик шаҳарларида ўстирилмоқда.

Кўнғир сохтакаштан жуда кўркам ва узоқ умр дарахти — 500 йилгача яшайдиган манзарали дарахт ҳисобланади. Айниқса у гуллаган вақтда — апрель-май ойларида бутун дарахтни шингилсимон тўпгуллари қоплайди ва чиройли манзара ҳосил қилади. Тўпгуллари йирик, узунлиги 30 сантиметргача бўлади. Гулларнинг тожбарглари оқ ёки оқ пушти рангли. Тож баргларида томчи-томчи сарик рангли доғлар бўлади. Бу доғлар ўзгариб, секин-аста тўқ қизил рангга айланади. Қизиги шундаки, доғлар сарик рангли бўлганида, ёқимли хид чиқариб, гулда шарбат борлигидан дарак беради ва асалари, бошқа хар хил капалакларни гулни чанглатишга жалб этади. Доғлари тўқ қизил рангга кирганида, гулдаги ёқимли хид ва шарбат ўз-ўзидан йўқолади. Шимолий Америкадаги эндем тури гуллаганда уни қолиб қуши шарбатидан фойдаланиб чанглатади.

Кўнғир сохтакаштан дарахтининг шаҳарни кўк-ламзорлаштиришдаги ўрни сезиларлидир. Кўриниши салобатли бўлган каштан бошқа дарахтларга нисбатан турли касалликларга чидамли. Шу боис у манзарали ўсимлик сифатида кейинги йилларда кенг қўлланилмоқда.

Рўзикул ХУДОЙБЕРДИЕВ,
биология фанлари доктори.

Ўлкада фарсувон куз фасли бошланди. Албатта, унинг ҳазонрезги кунлари келгуси кишидан дарак беради. Киш фасли эса ўзига хос тайёргарликни ёктиради. Пойтахтимиз аҳолиси, корхона, ташкилот ва муассасаларни кишин-ёзин «зангори олов» билан узлуқсиз ва хавф-хатарсиз таъминлаш масъулиятини зиммасига олган «Тошшаҳаргаз-таъминот» шўба корхонаси ишчи-хизматчилари мавсум тайёргарлигини қандай амалга оширишди, тараддуднинг охириг юмушлари қай йўсинда олиб борилмоқда? Шу ва бошқа саволлар билан корхона бош муҳандиси Собир КўЧАРОВга мурожаат этдик.

— «Ёз ёпинчигини ташлама, қишда ўзинг биласан», деган ажойиб нақл бор халқимизда...

— Саволингизни жуда яхши тушундим. Шу боисдан ҳам аввало бугунги долзарб масала — кузги-киши тайёргарлик ишлари хусусида тўхталмоқчиман. Ходимларимиз шаҳар газ ҳўжалигини кузги мавсумига тайёрлаш юмушларини эрта баҳордан — корхонамизда ишлаб чиқилган чора-тадбирлар режаси асосида амалга оширишмоқда. Ана шу ишларнинг бажарилиши жамоада ташкил этилган штаб йиғилишларида назорат қилиб борилмоқда.

Ўтган ойлар мобайнида 5 километрдан ортиқ янги газ қувурлари ишга туширилиб, 5,3 километр

уйларга 122.941 та ва кўп қаватли турар жой бинолари хонадонларига 152579 та газ ҳисоблагичлар ўрнатилди. Бу борада ходимларимиз, маҳалла фаоллари билан ҳамкорликда олиб бораётган тушунириш ишлари яхши натижа бермоқда. Махсус тузилган пайвандчи бригадалар ва шартнома асосида фаолият қўрсатаётган фирмаларнинг усталари ушбу ишда фаоллик кўрсатишмоқда. Шу ўринда таъкидлаш ўринлики, хонадон эгаларига газ ҳисоблагичларнинг ҳақини бир йилгача тўлаш имконияти берилган. Шаҳримизда 540778 та абонент мавжуд бўлиб, ҳозирда режанинг 51 фоизга бажарилганлигини инобатга олсак, бу борадаги саъй-ҳаракатни жадаллаштириш лозимлиги ўз-ўзидан аён бўлади.

— Ҳар йили қиш мавсумига тайёргарликни янада жадаллаштириш мақсадида «Газдан хавфсиз фойдаланиш икки ойлиги» ўтказиш

МУСОҲАБА

САЪЙ-ҲАРАКАТЛАР САМАРАСИ

дамида текширувдан ўтказилди, 21 километр узунликдаги ер усти газ қувурлари таъмирланиб, бўёқдан чиқарилган бўлса, 175 мингта дудбуронлар кўриқдан ўтказилди.

Мисолларга мурожаат этадиган бўлсак, «Уриқор» мавзесидаги Зарафшон кўчаси бўйлаб юқори босимли кўшимча газ тартиблаш пункти ўрнатилиб, унга юқори ва ўрта босимли элтувчи газ қувурлари қўрилди. Шаҳримизнинг барча туманларида янги уйлар қурилиши муносабати билан айрим кўча ва маҳаллаларга газ қувурлари, тортилиб, кўшимча газ тартиблаш пунктлари ўрнатилди. С.Раҳимов туманидаги «Аҳил» маҳалласида 711 погон метр, «Умид» маҳалласида 2978 погон метр, М.Улуғбек туманидаги Владивосток кўчасида 163 погон метр, Юнусов туманидаги Наманган кўчасида 424 погон метр газ тармоғи қўрилиб, фойдаланишга топширилди. Капитал таъмирлаш ишлари хусусида тўхталадиган бўлсак, Ниёзбек йўли кўчасидан «Бошқоммунагаз» иссиқхонасига, Кичик ҳалқа йўли қурилиши муносабати билан Ўйғур кўчаси бўйлаб газ қувурлари буткул таъмирдан чиқарилди. Шайхонтохур туманидаги «Сузукота» маҳалласига 500 погон метр газ қувури тортилди. Бу ишларнинг барчаси шаҳримиз мавзе ва маҳаллаларига газ етказиб беришни яхшилаш, киши мавсум давомида узилшлар содир бўлмаслигини олдани олиш, истеъмолчиларга намунали хизматни ташкил этиш мақсадида амалга оширилди. Режадаги чора-тадбирларимизни шу ойнинг охиригача ниҳосига етказишни мақсад қилиб қўйганимиз.

— **Тежамкорлик қони фойда, деб қайта-қайта тақорлаймиз. «Зангори олов» — бу бебаҳо бойлигимиз, ундан исрофгарчиликсиз, оқилона фойдаланиш борасида олиб борилаётган амалий ишлар ҳақида тўхталсангиз...**

— Аввало, ҳар биримиз ҳамма нарсанинг ҳисоби бор эканлигини доимо ёдда тутмоғимиз лозим. Газ ҳам турмушимизга шу қадар сингиб кетганки, бирор кун хонадонимизда «зангори олов» ўчиб қолса, қийналишимиз турган гап. Лекин ҳаммамиз ҳам унинг қадрига етавермаймиз. Ахир табиий газни истеъмолчига мунтазам, хатарсиз, ўз вақтида етказиш учун қанчалар меҳнат ва маблағ заруриятини унутмаслик лозим.

Шуниси эътиборлики, Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 1 июндаги қарори асосида турар жой биноларига, хусусий уйларга тежамкорликда нафи катта бўлган газ ҳисоблагичларнинг ўрнатилганлиги самара бериши, шубҳасиз. Негаки, ҳисоб-ки-тоб сарфига яраша, ҳисоблагич айланишига кўра тўлангандан кейин истеъмолчилар ҳам уни тежаб-тергашга, ўз вақтида ёқиб-ўчиришга ҳаракат қилишмоқда.

Жорий йилнинг ўтган саккиз ойи давомида шаҳримиз бўйича 95181 та газ ҳисоблагичлар ўрнатилди. Йил охиригача эса ушбу рақамни 187 мингтага етказиш режаланган. Ҳозирда шаҳримиз бўйича ҳаммаси бўлиб 275.520 та, шу жумладан хусусий

аънамага айланиб қолган. У қандай самара бериши кўзда тутилган?

— Икки ойлиқнинг аҳамияти хусусида тўхталадиган бўлсак, у аҳолини — истеъмолчиларнинг газдан оқилона ва хавф-хатарсиз фойдаланишида, ёнгин келиб чиқиши оқибатида содир бўладиган бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олишда, қишолди мавсум тайёргарлигини муваффақиятли ўтказишда муҳим ўрин тутди. Унда барча ходимларимиз билан биргаликда ҳамшаҳарларимиз ҳам фаол иштирок этишларини таъминлаш мақсадида пойтахтимиздаги катта бозорларда, корхона, ташкилот, муассасаларда, маҳаллаларда тадбирлар уюштирилмоқда ва газдан хавфсиз фойдаланишда нималарга эътибор қаратиш лозимлиги тушунириб борилмоқда.

— Шу ўринда ана шу икки ойлик давомида ҳамшаҳарларимиз нималарга эътибор қаратишлари лозимлигини ҳам айтиб ўтсангиз.

— Истеъмолчилар газдан хавфсиз фойдаланиш қоидаларига қатъий амал қилишлари лозим. Бунинг учун ёқилган газ ҳар доим назоратда бўлиши, ёш болаларга ёки газдан хавфсиз фойдаланиш йўриқномаси билан танишмаган шахсларга газ асбобларидан фойдаланишга рухсат бермаслик, газ плиталарини ёқиб хоналарни иситишда фойдаланмаслик лозим. Мабодо хонадонда, кўча ва ерўсталада, ер ости қудуқларида газ ҳиди сезилса, зудлик билан туманга бўлимлири ёки Марказий авария диспетчерлик хизматининг 04; 53-56-19; 53-56-27; 53-56-31; 55-44-29 рақамли телефонларига кўнгирак қилиб оғохлантириш лозим. Албатта, икки ойлик давомида газ хизмати ходимлари хонадонларда бўлиб газдан фойдаланиш қонун-қоидалари ҳақида тушунириш ишларини олиб боришади.

Яна шунинг унутмаслик керакики, газ сизиб чиқишининг олди олинса, ҳар қандай кўнгилисиз ҳодиса содир бўлмайди. Шунинг учун дудбуронли сув иситиш мосламаларини ёқишдан олдин мўрқонда тортиш кучи борлиги текшириб қўрилиши шарт. Истеъмолчиларга эслатиб ўтмоқчиманки, дудбуронларнинг ишга яроқли эканлиги тўғрисидаги далолатномаси бўлмаган газ асбобларидан фойдаланиш тақиқланганлиги боис, бундай газ асбоблари тармоқдан узиб қўйилди. Икки ойлиқнинг муваффақиятли, кўзаланган даражада самарали ўтиши эса фақатгина корхонамиз ходимларига боғлиқ бўлмай, унда барча ҳамшаҳарларимизнинг фаоллиги ҳам юқори натижа кўрсатади.

Сирасини айтганда, ходимларимизнинг эрта баҳордан бошлаган меҳнат самараси киши мавсумда ҳамшаҳарларимизни мунтазам ва талаблар даражасида «зангори олов» билан таъминлашда ўз аксини топади, деган умиддамиз.

Сўхбатдош Шарифа ИЛЁСОВА.

ТЎЛОВЛАР

Бежизга «зангори олов»ни беминнат дастёр демаймиз. Чунки унинг пориллаб ёниб туриши кишин-ёзин жонинг роҳати. Хоҳлаган пайтда овқат чойингиз тайёр, керагида пишириқлар тайёрлайсиз, совуқда ана шу газнинг қуввати билан хонадонингиз исийди. Бир кун бўлмай қолсин-чи, фиғонингиз фалакка чиқиб, керакли жойга мурожаат этишдан асло чарчамаймиз.

Шунда бир зум тўхтаб ўйлаб кўрайлик-чи: ёқилган газ ҳақини тўлаганмисиз? Агарда тўламаган бўлсангиз, хонадонингизга ана шу қимматбаҳо бойлиқни мунтазам етказиб бериш учун қанча меҳнат ва маблағ кетишини биласизми? Сизнинг тўловларингиз, агар у вақтида бажарилса, юқоридаги авария ҳолатларининг олдини олишга, яроқсиз газ қувурларини муддатда таъмирлашга ишлатилади.

Лекин ҳамшаҳарларимиз орасида гази ёқиб, пулига келганда чакратлиг кимсалар анчагина топилади. Улар туман газ идоралари ходимлари, маҳалла фаолларининг тушунириш ва оғохлантиришлари эса писанд ҳам қилишмайпти. Ми-

БУРЧИНГИЗНИ УНУТМАНГ

роил Орипов 48926 сўм, 1-Чимбой кўчаси, 45-ўйдан Жўра Маҳамедов 41720 сўм, Рудакий кўчаси, 45-/44-ўйдан Зиёдулла Зарипов 31488 сўм, Сухуми кўчаси, 6-а-ўйдан Улмас Қомиллов 27416 сўм қарзларини тўлашни ўйламаётганига ҳайрон қоласиз. Ахир керагида хожатингиз чиқиб, хизматдан фойдаланган, ҳақини ҳам тўлаб қўйингиз.

Шайхонтохур туманидаги қарздорлар ҳам зора ўз номларини газетдада ўқиб, озгина уялишса. Қолхоз кўчаси, 26-ўйдан Иброҳимов 49 минг сўм, Жемчужная кўчаси, 12-ўйдан Буренбаев 44872 сўм, Шероий кўчаси, 69-ўйдан Азизов 45800 сўм, Самарқанд Дарбоза кўчаси 9-а-ўйдан Турсунбоев 37771 сўм тўловларини бажаришмаган. Юқоридаги ва бошқа қарздорлар ўз бурчларини унутмасалар, хизмат ҳам ана шунга яраша сифатли бўлади.

Собир Раҳимов туманида ҳам қарздор бўла туриб, уялмай юрган оилалар топилди. Парвариш кўчаси, 37-б-ўйдан Ис-

роил Орипов 48926 сўм, 1-Чимбой кўчаси, 45-ўйдан Жўра Маҳамедов 41720 сўм, Рудакий кўчаси, 45-/44-ўйдан Зиёдулла Зарипов 31488 сўм, Сухуми кўчаси, 6-а-ўйдан Улмас Қомиллов 27416 сўм қарзларини тўлашни ўйламаётганига ҳайрон қоласиз. Ахир керагида хожатингиз чиқиб, хизматдан фойдаланган, ҳақини ҳам тўлаб қўйингиз.

Шайхонтохур туманидаги қарздорлар ҳам зора ўз номларини газетдада ўқиб, озгина уялишса. Қолхоз кўчаси, 26-ўйдан Иброҳимов 49 минг сўм, Жемчужная кўчаси, 12-ўйдан Буренбаев 44872 сўм, Шероий кўчаси, 69-ўйдан Азизов 45800 сўм, Самарқанд Дарбоза кўчаси 9-а-ўйдан Турсунбоев 37771 сўм тўловларини бажаришмаган. Юқоридаги ва бошқа қарздорлар ўз бурчларини унутмасалар, хизмат ҳам ана шунга яраша сифатли бўлади.

(Ўз муҳбиримиз).

УЙ-ЖОЙ-КОММУНАЛ ХИЗМАТИ:
Истиқбол ва муаммолар

ҲАМШАҲАРЛАРИМИЗ

Касбнинг яхши ёмони бўлмайди. Уни яхши қиладиган ҳам, ёмонга чиқарадиган ҳам инсон меҳнати, унинг астойдил ҳаракати.

Кейинги йилларда ободонлаштириш соҳаси ходимларининг меҳнати янада яққолроқ кўриниб, уларнинг саъй-ҳаракатлари пойтахтимиз жамолида ёрқин акс этмоқда. Майдон ва кўчаларимиз, мавзе, даҳаларимиз обод ва гулзорлиги, сув шохчаларининг тоза ва орасталлиги, боғлар ва кўкаламзор майсаларнинг яшнаши кўрган кўзаларни қувватлаш ҳам ана шу соҳа фойдаларининг эрта тонгдан кечга қадар машаққатли меҳнатлари маҳсулидир.

Ана шундай касб соҳибларининг меҳнати эса эъзоғга лойиқ. Шу боисдан ҳам Тошкент шаҳар ҳокимлиги Ободонлаштириш бош бошқармаси мутасаддилари Мустиқлигимизнинг 12 йиллиги арафасида 4 та йўналиш бўйича кўрик-танлов эълон қилиб, голибларни аниқлади. Улар орасида «Энг яхши фаррош» номига Марказий майдонлардан фойдаланиш бошқармасининг илгор ва тажрибали ишчиси Мухтабар Фуломова сазовор бўлди. Ушбу номга лойиқ бўлган ва уни ўз меҳнатлари билан оқлаётган Мухтабар Фуломова 23 йил-



ОЗОДАЛИК ШАЙДОСИ

дан буён бошқарманинг «Мустиқлик майдони» бўлимида ҳаммасларига ўрнак бўлиб келмоқда. Барчамизга маълумки, шаҳримиз фаҳри саналимиш ва ҳар кун таширф бюрувчилар қадами узилмайдиган ушбу бош майдон Истиқлол йилларида айниқса чирой очди, яшнади. Майдонда бунёд этилган «Хотира» мажмуаси ҳамюртларининг дилнин тўқинлаштириб юборди. Шу боисдан ҳам ушбу зийратгоҳга урушда ҳалок бўлган жигаргўшаларини хотирлаб, мамлакатимизнинг барча гўшаларидан ватандошларимиз ташриф буоришади. Соясалқин дарахтлар, яшил майсалар, «Мотамсаро она» ёдгорлиги атрофидаги анвойи гуллар мажмуага алоҳида фойда бағишлайди. Қўтлуг кадам-жонни ҳар кун ораста ва покиза сақлаш, майса ва гуллар парвариши, дарахтларга шакл бериш ва оқлаш — буларнинг барчаси фаррош ва боғчилар зиммасида. Мухтабар Фуломова эса ўзининг 10 нафар хотин-қиздан ташкил топган бригадаси аъзолари билан ҳар кун мана шундай юмушларни вақтида ва сифатли бажаришади. Бу ердаги ҳамма нарсаси оғзага қадрлон. У ўз юмушларини сиздиқдан бажарар экан, қадрлонлари руҳини ёл этишга келган инсонлар чарчаси нақён бўлади. Шу боисдан ҳам Шоира Қоюмова, Холида Абдуллова сингари ҳаммасларни, ёш, гайратли шогўдлар билан ҳамжихатлиқда мармарларни ювиш, гулларни парвариш, дарахтлардан тўшган ҳазонларни ўз вақтида йиғиштиришга ҳамма эътибор қаратади.

— Тозалик, орасталликдан дилчим ярайди, — дейди Мухтабар Фуломова. — Шунинг учун ҳам баъзида чинидай тоза жойни ифлослантириб, дуч келган ерга турли қроғоз ва пўчоқларни ташлаётган беларво кимсалардан хафа бўлиб кетаман. Ахир шаҳримиз, унинг мана шундай қата майдон ва жиёбонлари фаҳримизку. Шунинг учун уларнинг чиройи, орасталлиги ҳаммамиз учун зарур. Кўни кеча Энг азиз, Энг улук байрамини дилларда

шодлик билан нишонладик. Тўғри, бу майдонга ташриф бюрувчи меҳмонларни кутиб олиш, уларга кўнгилли шарт-шароитлар яратиш учун тинмай меҳнат қилдик. Уларнинг майдон чиройидан, кўридан завқланишлари эса бизга яхши кайфият бағишлаб, меҳнатимиздан гурурланиб кетдик.

У вазифасини астойдил бажараётган Мухтабар Фуломова бригадасида ҳамма тартиб-интизом ўрнатишга интилади, ёш ишчилардан эса ёрдам ва маслаҳатларини аямайди. Энг кераклиси, эса ўз касбининг қадрига етади, эъзоэлайди, шаҳримиз чиройини таъминлашда ҳиссаси борлигидан фахрланади.

— Бўлимимизда 130 нафар ободонлаштириш ходимлари ишлаётган бўлса, уларнинг орасида Мухтабар Фуломованинг алоҳида ўрни бор, — дея таъкидлади «Мустиқлик майдони» участкаси раҳбари Гуля Қочилова. — Унинг бажарган ишдан ҳамма эътибор тўлади. Кишин-ёзин унинг бригадаси аъзолари вазифаларини пухта бажаришади, масъулиятини ҳис этишади. У меннинг энг яқин кўмакчиларимдан бўлиб, ҳар қандай юмушни ишониб топшириш мумкин. Мана кўриб турганингиздек шундай боғбон, фаррош, сувчи ва бошқа ходимларимизнинг самарали меҳнатлари боис 45 гектарлик майдонимиз ҳаммаша фойдали ва гузал.

Умр ўтаверди. Инсоннинг бажарган яхши ишлари эса ана шу умр дафтари варақларини бе-зайверди. Оддий ва эътиборли касб соҳибаси Мухтабар опа ҳам ҳаммаша тозалик кўчогиди, гуллар ардоқлаб ўзгаётган яхши кўнларини эзгу ниятлари билан беэътиборлигидан мамнун. Зеро инсонлар миннатдорчилиги унинг учун энг катта муқофот.

Дилноза ГИЁСОВА
СУРАТДА: тозалик шайдоси Мухтабар Фуломованинг гулларга ҳам меҳри бўлақча. Тоҳир Нигматуллин олган сурат.

ШИРКАТЛАРДА

Ширкатга қарашли 14-ўйда давом этаётган томларни капитал таъмирлаш ишларини кўздан кечирган Одилбек Матқубов ишхонага келгач, кечаси бюртмалар қандай бажарилганлиги ҳақида сўраб-суриштирди. Сўнгра йиғилган барча ширкат ходимларига бирма-бир топшириқлар бериб, кузги-қишки тайёргарлик тадбири режаси бажарилишини кўздан кечирди...



БИРЛАШГАН ЎЗАР...

Собир Раҳимов туманида фаолият қўрсатаётган «Хўжа Баҳоуддин Нақшбанд» уй-жой мулкдорлари ширкати ходимларининг айни кунларда ишлари кизирлик паллага кирган. Негаки олдинда янги мавсум — кишининг қировли кўнлари турибди. Уни ноҳуш ҳолатларсиз, яшовчиларга намунали хизматни ташкил этиб ўтказиш бугунги саъй-ҳаракатга боғлиқ. Шу боисдан ҳам эрта баҳордан бошланган ҳозирлик ишлари яқунларини арафасида. Юмушларнинг вақтида ва бекум қўст адо этилиши ширкат раҳбари Одилбек Матқубов назоратида, қилинган ишлар ҳақида ҳар кун ҳисобот берилади, галдагиси белгиланади.

— Ширкатимиз ташкил этилганга 3 йил тўлди, — дейди Одилбек Матқубов. — 4 ва 9 қаватли 17 та кўп қаватли уйга 20 нафар ишчи-ходимларимиз хизмат қўрсатади. Ана шу уйларнинг уй бошқарувчилари, шунингдек Нақшбанд маҳалласи оқсоқоли ва фаоллари билан ҳамкорликда иш олиб бораётганимиз ўз натижасини бермоқда. Кўп қаватли биноларимизда 900 дан ортиқ хонадон бўлиб, уларда 2800 нафар киши истиқомат қилади. Уларга қулай шароитлар яратиш, яъни намунали хизматни ташкил этиш, уй-жойларни асраб-авайлашда, ён-атрофларини ободонлаштиришда ҳамжихатлиқда фаолият юритиш, яшовчиларнинг мулкка муносабатларини шакллантириш асосий вазифаларимиз сирасига киради. Бунинг учун эса ширкат тузилиши аввалидаёқ уйларнинг ҳолати, хонадон аъзоларининг фикр-мулоҳазалари ўрганиб чиқилди. Керакли чора-тадбирлар кўриaldi ва кўрилмоқда.

Ширкат ташкил этилган пайтда хизмат қўрсатувчилардан 6 миллион сўм қарзи бўлган бўлса бугунги кунга келиб, улардан қутулди. Лекин айрим хонадон эгаларининг фойдаланиш харажатлари ва коммунал хизматлардан қарздорликлари ҳамон муаммо бўлиб турибди. Бу борада уй бошқарувчилари, маҳалла фаоллари ва ширкат ходимлари биргаликда хонадонларда бўлиб тушунириш ишларини олиб боришмоқда. Зарур бўлганда эса ашаддий қарздорлар масаласи суд орқали ҳал этиляпти.

— Албатта, истеъмолчиларнинг ўзлари тушунган ҳолда тўловларни бажарсалар фойдадан холи бўлмасди, — дейди ширкат раиси. — Негаки, ушбу маблағлар, шубҳасиз хизматни янада яхшилаш, ҳалла, уй хотин-қизлар комиссиялари озгина ташаббус қўрсатишса фойдадан холи бўлмайди.

Халқимизда «Бирлашган ўзар» деган ажойиб нақл бор. Шубҳасиз, яхши ният билан иш олиб бораётган ширкат ходимлари яшовчилар билан яқдил бўлишса, биргаликда мақсадлари сари интилса юзага келадиган муаммолар ўз-ўзидан ҳал бўлиши тайин. Бурч ва масъулият ҳар икки томон учун ҳам баб-баравар бўлиб, уни сиздиқилдан адо этиш муваффақиятларининг асосий гаровидир.



Жорий йилдаги кузги-қишки тайёргарлик даврида иситиш тизимларини ювиш ва профиллаж тика ишлари бажарилиб, натижада 2-, 17-, 9-ўйларда аниқланган қамчиликлар асосида қувурлар қисман алмаштирилди. Кўпгина уйлар олдидаги асфальт йўлақлар таъмирланди. Мустиқлигимизнинг 12 йиллиги муносабати билан ўтказилган ободонлаштириш ойлигида эса барча фаол иштирок этганили, бугунги орасталликда акс этиб турибди.

Кўпчиликка маълумки ва бундан кўз юмиб бўлмайди: кўп қаватли уйларнинг йўлақлари ҳаммаша ифлос, тозаланмай ётади. Хонадон ичкарисини ялтиратиб таъмирлаган уй соҳибни йўлакка бепарво қарайди. Ахир бежизга Ватан остонадан бошланади, фаришталар тоза жойга қўнади, дейишмайди, донолар. Шу боисдан бўлса керак, ширкатдаги 7,8,9-ўйларда янши аънада давом этиб, келинлар ҳар тонгда йўлақларни тозалаб қўйишга одатланишган. Албатта, бу одат қўшни уйлардаги қиз ва аёлларга ҳам «юкса» ажаб эмас. Бунинг учун маҳалла, уй хотин-қизлар комиссиялари озгина ташаббус қўрсатишса фойдадан холи бўлмайди.

Шарофат БАХРОМОВА.
СУРАТЛАРДА: ширкат фаолиятдан лавҳалар. Ҳақимжон Солихов олган суратлар.

Шарқ дурдоналари

03-03 ҲУТАБИЙ
Дони бўлур...

● Уч нарса дўстликни муштахкамлайди, Дўстларнинг бир-бирларини зиёрат қилиб туришлари, самимий суҳбатлашишлари ва биргаличи сайру саҳат қилишлари.

● Байналмилал тарбия миллатлар орасига дўстлик уруғини сочади. Ватандошларнинг бир-бирларига бўлган меҳр-мухаббатларини оширади.

● Икки дўстнинг аҳду-паймонида, меҳру-вафода барқарор бўлишлари самимий дўстлик нишонасидир.

Алишер Навоий айтиди:

Айласалар икки тарафди мароф,
Этгай алар ҳолига анча сафо.

● Вафоли ва мухаббатиде ахлосли дўст топиш энг оғир ишдир. Чунки одамларнинг ташиқ ҳоллари ички сирларини яширади.

● Бир донишманднинг ўз фарзандига қилган насиҳатлари:

— Яхши ватанпарвар бўлиш, ҳаётда муваффақият қозониш, жишман ва руҳан мукамал бўлиш учун меҳнатни сев, иш одами бўл.

— Ялқовликдан узоқлаш, ғайратли бўл, вужудингни ҳаракатга бағишла, тинма, тириш, олға бос.

— Эҳтиёт бўл, ҳамма ишингда тартиб ва интизомга риоя қил.

— Сенга жамият томонидан топширилган вазифани бекаму кўст адо қил.

— Шарафинг, номусинг ва ҳаётингни кўриқла, бошқаларнинг ҳам шараф ва номусларига ҳурмат ва риоя қил.

— Ҳақиқатни сев, юриштиришигда содда ва табиий йўлни тут.

— Самимий, пок қалбли, виждонли ва ҳақшунос бўл.

— Мулойим, лутфкор, марҳаматли ва дўстпарвар бўл.

— Мутаассиб бўлма, хур фикрли бўл.

— Мутлола ва текшириш билан ақлдинг, эҳзингни, фаҳм ва -идрокингни тарбия қил, ўстир.

— Қаноатли, ҳаммага меҳрибон ва ғамхўр бўл.

— Хурматга сазовор бўлган кишилар ва нарсаларга эҳтиром қилишни унутма.

— Мардлик, жасорат ва шижоатни ўзингга шиор қилиб ол.

— Шараф ва номусингга доғ тушириш эҳтимоли бўлган хар турли завқ, сафодан қоч.

— Ғўзал ахлоқнинг матонати, ҳиссиётнинг олижаноблиги билан вужудингга лаофат бағишла.

● Дўстнинг насли кўрар кўзларга роҳат беради, чунки ошиқ-мошукига яқин бўлмаса, роҳат топмайди ва шод бўлмайди.

● Дўстларро яхшироғи хар вақт ҳамдамларни ўз шафқати соясиде тутар ва қарам эшигини улар юзига очиб кўяр, тилақларини ва ҳожатларини юзага чиқарар.

● Дўст кишини бир йилда ҳам топиш осон эмас, аммо уни бир лаҳзада йўқотиб қўйиш мумкин.

Байт:
Икки кишидан сен яширма дардинг,
Бири табиб эрур, бири ҳамдардинг.

Мен бу камтарин инсонни яхши биламан. Чунки у билан бир кўчада, бир манзилда кўрши девор-дармиён кўшни бўлиб яшадик. Бир мактабда олдинма-кейин ўқидик. Ёшликнинг бутун завқу қувонч ва ташвишларини биргаликда баҳам кўрдик. Ўша кезларда биз катта бўлган ҳозирги Юнусобод туманининг энг обод ғўшаларидан бири ҳисобланган Фуломмаҳмуд Абдуллаев номи билан аталувчи маҳалла ҳудуди ва унга туташ яқин атроф кишлоқ бўлиб, у ерда умум тартибдаги жамоа ҳўжалиги фаолият юритар эди. Пешкадам жамоалардан бири бўлгани учунми ёки кишлоқ кишилари орасида санъатга иштиёқмандлик баланд бўлгани сабаблими, ҳарқалай ҳўжалигимизга тез-тез санъаткорлар таширғи буюришар ва барча қатори биз ёшлар ҳам уларнинг чиқишларини мароф билан кузатар эдик. Балки ўша кезларда санъатга бўлган меҳру Ҳамидулланнинг кўнглига ўрнашди қолгандир. Чунки у ўшандаёқ турли оҳанг ва кўшиқларни хиргойи қилиб юрадиган бўлди.

Бахтимиз қулиб худди биз истаганимиздек ҳўжалигимизда бадий ҳаваскорлик тўғраги ташиқ этилиб, унга моҳир созанда Абдусамат Илёсов бўшчилик қиладиган бўлди. Кўпчилик ихлосмандлар қатори биз тенгқур ёшлар ҳам тўғрақнинг фаол қатнашчисига айландик.

Ешимиз улғайиб, тақдир тақозиси билан мен ҳарбий хизматга жўнадим. Бу вақтга келиб Ҳамидулла рубобни анчамунча сайратадиган бўлиб қолганди. Ҳарбий хизматдан қайтгандан сўнг билсам, Ҳамидулла Тошкент Педагогика институтининг мусиқа факультетиде тахсил олаётган экан. Омадим чопиб ўша йили мен ҳам Тошкент Давлат университетининг (ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети) филология факультети журналистика бўлимига ўқишга жойлашдим. Шундан бери қанча сувар оқиб ўтди, қанча йиллар орта қолди. Бугун биримизнинг ёшмииз 60 дан ўтиб, биримизники 60 га етиб қолибди.

Ҳамидулла бутун умрини мусиқашуносликка бағишладди. У 1970 йилда Низомий номидаги Педагогика институтини (ҳозирги университет) имтиёзли диплом билан тугатди. Ҳамидулладаги иқтидорни сезган устозлари уни ўзлари билан ишлашга таклиф этишди. У факультетнинг

Халқ чолғу асбоблари кафедрасида ўқитувчилик қила бошлади.

1970 йилларда мусиқа педагогикаси ҳали анча ёш соҳа ҳисобланарди. Бошқа фанлар қатори бу соҳа олдида ҳам илмий-тадқиқот ишларини йўлга қўйиш, илмий кадрлар тайёрлаш, зарур дарслик ва қўлланмалар нашр этиш каби долзарб вазифалар турар эди. Ҳамидулла устозлар маслаҳати билан институтнинг Умумий педагогика кафедраси қошидаги сиртки аспирантурага ўқишга кириб, мусиқа педагогикаси бўйича илмий-тадқиқот ишларини олиб боришга астойдил киришди. 1982 йили эса у академик С.Ражабов раҳбарлигида «Мусиқа ва ўқитувчи ёшларнинг нафосат тарбияси» мавзудида соҳада биринчилик қатори номзодлик диссертациясини ёқлади.

Ёш олим шундан кейинги йиллар ичида талабаларга илм

сика назарияси» ҳамда умумтаълим мактабларининг биринчи, иккинчи, учинчи, олтинчи синфлари учун мусиқада дарслик ва қўлланмалар (хаммуаллификада), шунингдек монография, дастурлар, услубий ишланмалар ва қўлаб илмий рисоалар бор. Олим яратган дарсликларнинг бир нечаси вазирлик ва университет даражасидаги диплом ва мукофотлар билан тақдирланган.

Ҳамидулла фаол жамоатчи. У республика Таълим марказида мусиқа фанлари бўйича илмий-методик кенгаш раиси, бир неча нашрлар ва журналларнинг тахририят аъзоси, ихтисослашган кенгашлар аъзоси, санъатшунослик фанлари бўйича методология семинари раиси сифатида мусиқа таълимининг илмий, назарий ва услубий асосларини яратиш ва уни амалиётга табиқ этиш борасида самарали меҳнат қилиб келмоқда.

• ФАНИМИЗ ФИДОЙЛАРИ

УМР МАЗМУНИ

бериш билан бирга олий ва ўрта мактаблар учун бир неча дарслик, ўқув қўлланмалари, монографиялар, дастурлар ва қўлаб илмий мақоалар нашр эттирди. Уларнинг мажмуаси сифатида 1994 йили «Мусиқа орқали ўқувчи ёшларда эстетик маданиятни шакллантиришнинг педагогик асослари» мавзусидаги докторлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди.

1997 йили олимга профессор илмий унвони берилди. Ҳ.Нурматов кўпгина касбдош ўқитувчиларни, иқтидорли ёшларни илмга тортиди, илмий-тадқиқот ишларида уларга беғараз ёрдам кўрсатди, қумақдос бўлди. Олимнинг бевоасита илмий раҳбарлигида эса б 6 нафар тадқиқотчилар номзодлик диссертацияларини муваффақиятли ҳимоя қилдилар. Республикада мусиқа педагогикаси йўналишида ўзига хос янги мактаб яратилди.

Олим — умумий ҳажми 300 босма табоқдан ортқ 90 номдаги илмий ишлар муаллифи. Улар орасида «Мусиқа алифбоси», «Қашқар рубоби тароналари», «Ўзбек халқ мусикаси», «Рубоб дарслиги», «Мақом тароналари», «Сольфеджио», «Чолғучилар ансамбли», «Му-

Ҳ.Нурматов бадий раҳбарлигидаги университет ва мусиқа факультетининг иқтидорли талабаларидан ташиқ топган бадий ижодий жамоа олий ўқув юртлариаро ўтказиладиган «Ўзбекистон — Ватаним маним» республика кўшиқ танловида иштирок этиб уч бор фолибликни қўлга киритган.

Олим — халқ таълими аълочиси. Вазирликнинг бир неча Фахрий ёрликлари билан тақдирланган. Кадрлар тайёрлашдаги самарали меҳнатлари учун университет илмий кенгашининг қарори билан унга «Хизмат кўрсатган профессор» фахрий унвони берилган. Университетда ўтказилган «Энг яхши декан», «Энг яхши дарслик муаллифи» танловларининг фолиби деб топилган.

Бугун устоз сифатида Ҳамидулла мусиқа илмининг таниқли олимлари академик С.Ражабов, профессорлар К.Хошимов, К.Юсупов, С.Шермухамедов, М.Очилов, Т.Фофурбеков, И. Акбаров, доцентлар — С. Абрамова, А. Худойкуловларнинг номини ҳурмат билан тилга олади.

Устоз олим бугунги кунда университетда Чолғу ижроичилиги кафедрасининг профес-

сори, жамоанинг иззат-ҳурматида, чинакам ижодий кучга тўлган пайти. У мусиқа факультетининг декани сифатида ёшларга ўзининг бор ижодий тажрибасини бериб келмоқда. Ўтган қисқа муддат ичида мусиқа факультетиде катта ижодий ўзгаришлар эъ берди. Ўқув биноси тўла таъмирланди ва қайта жиҳозланди. Таълим жараёнини янги ўқув адабиётлари билан таъминлаш, профессор-ўқитувчиларнинг малакасини ошириш, иқтидорли талабаларга ғамхўрлик кўрсатиш, устоз-шогирд ишини йўлга қўйиш, ўқитишда янги педагогик технологияларни фаол қўллаш, илмий-тадқиқотлар самарасини кўтариш, жан номзодлари тайёрлаш, жамоада ўқув ва меҳнат интизомини муштахкамлаш борасидаги Ҳ.Нурматов раҳбарлигида амалга оширилган ишлар университетда факультетини илгорлар қаторига кўтарди.

Ҳамидулла пири бадавлат оила бошлиғи. У айна кунларда уч ўғил, уч келиннинг отаси, етти набиранинг бобоси. У ўзи яшаётган Ҳусниобод маҳалласининг фаолларидан бири. Маҳаллада ўтказиладиган барча маданий-маърифий тадбирларга бошқош. Санъатга, мусиқага иштиёқманд йигит-қизлар билан тез-тез учрашувлар ўтказиб туради. Уларни санъат оламидаги янгиликлар билан таништириб боради.

— Ўтган умримдан бениҳоя мамнунман, — дейди Ҳамидулла Нурматов бизга. «Чунки уни зое кетказмадим. Мусиқа илмига бахшида этган 40 йиллик ҳаётим давомида минг-минглар талабаларни тарбияладим. Уларни мусиқа соҳасининг билимдони бўлиб етиштириларига озми-кўпми ҳиссамни кўшдим. Айниқса Мустақиллик йилларида барча қатори бизга ўхшаган илм кишилари учун ҳам ижодий меҳнат қилиш учун кенг имкониятлар очилди. Бу йил эса мен учун икки бора қувончли йил бўлди. Мустақил Ўзбекистонимиз ўзининг 12 йиллик мучал тўйини нишонлаган йили мен ҳам ўзимнинг бешинчи мучал тўйимни нишонляпман. Йўлайманки, бу кун ҳаётимнинг энг унутилмас куни бўлиб қолади.

Биз ҳам ўз навбатида жонқур олим, санъат ва маънавият тарғиботчиси Ҳамидулла Нурматовга муштахам соғлиқ ва юксак ижодий парвозлар тилаб қоламиз.

Маҳмуд КОМЛЖОНОВ

• ТАҚДИМОТ

ЁЗУВЧИ — ЗАМОНДОШЛАРИ ХОТИРАСИДА

Яқинда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида «Асқад Мухтор замондошлари хотирасида» китобининг тақдими бўлиб ўтди. Шунингдек, маросимда Машраб Бобоев сценарийси асосида яратилган Асқад Мухтор ҳақидаги ҳужжатли фильм намойиш қилинди.

Тақдимотда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси Абдулла Орипов, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Пиримкул Қодиров, адибнинг ўғли, профессор Темур Мухторов ва бошқалар XX аср ўзбек адабиётининг етуқ наомяндаларидан бири Асқад Мухтор ҳақида ўз хотираларидан гапириб бердилар.

Сўзга чиққанлар Асқад Мухторга «Опасингиллар», «Тугилиш», «Давр — менинг тақдиримда», «Чинор» романлари, қўлаб қисса, ҳикоя ва драмалари, фалсафий лирикиси ҳамда жаҳон адабиёти намуналаридан бадий юксак таржималари

билан XX аср ўзбек адабиётига катта ҳисса қўшган атоқли сўз заргари эди, дея таъриф беришди.

Дарҳақиқат, адибнинг бутун фаол ижодий ҳаёти мураккаб даврларга тўғри келган. Шунга қарамасдан Асқад Мухтор ҳали Орол қуриями туриб унинг фожиаси тўғрисида бонг урган эди. Унинг муҳаррирлиги остида чиққан «Гулистон» журналида ҳам қатор долзарб муаммолар кўтариб чиқилганди.

Асқад Мухтор узоқ йиллар давомида сермаҳсул ижод қилиб «Шарқ юлдузи», «Гулистон» журналлари, «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасида бош муҳаррир лавозимида ишлаб қўлаб шоир ва ёзувчиларнинг ижод майдонига кириб келишига муносиб ҳисса қўшган, ўз асарлари билан замондошлари қалбида ўчмас из қолдирган беназир инсон эди.

(Ўз мухбиримиз).

• САҢЪАТ

«КИЧИК САҢНА»ДА ЯНГИ СПЕКТАКЛАР

Ўзбекистон Мустақиллигининг 12 йиллиги муносабати билан республика театри қатор янги спектакллари томошабинларга тақдим этишди. Республика кўғирчок театри ҳам шу санага яхши ижодий армуғон ҳозирлади.

Ушбу «кичик саҳна»га олиб чиқилган янги спектакль «Карвон йўллари» деб номланди. Унда Буюк ипак йўлининг халқаро аҳамияти билан боғлиқ воқеалар кўғирчоклар ижросида гавдалантирилди.

Ўзбекистон Маданият ишлари вазирлигидан маълум қилишларича, Андижон кўғирчок театри «Бахт қуши» постановкаси билан кичик томошабинларни мамнун этди.

(Ўз мухбиримиз).

**Бу қизик
ЎН МИНГДАН
ОРТИҚ**

Хар тонг кўпчилигимиз тетиклан-тирувчи восита сифатида бир пиё-ла қахва ичишга одатланиб қолган-миз. Лекин ҳозиргина узиб олин-ган атиргулнинг хушбўй иси мия хужайраларини қахвадан ҳам ях-широқ фаоллаштириб юборишини ҳаммамиз ҳам биламизми, имтихон топшираётган талабалар учун ял-пиз иси келаятган хонанинг нафи кўпроқлигини-чи? Бу хидлар ком-пьютерда ишловчилар учун ҳам жуда фойдалидир.

Маълум бўлишича, инсон 10 мингдан ортиқроқ ҳисни ҳис қилар экан. Тажрибали ошпазлар таомнинг мазасини кўрмасдан, унинг ҳидидан ҳам овқатнинг туз меъёрини аниқлашлари мумкин. Қадимги Миср ва Оссурийлар давлатида уйлар, ибодатхоналарда ўздан хушбўй хид таратувчи ўсим-ликларни тутатиб қўйиш одат бўлса, Римда хоналарга ёқимли исли сувлар сепаган. Хушбўй хид-ларнинг инсонга маълум маънода ижобий таъсир кўрсатиши аллақачон аниқланган. Улар ҳатто мушак-лар қувватини, нафас олишни, қон томирнинг уришини кўриш, эши-тиш қобилиятини ўзгартира олади. Шарқда бир неча замонлардан буён хид бўйича одамнинг касал ёхуд соғломлиги аниқланган. Касалликлар ташхиси, шунингдек инсон кайфияти ҳам шунда маълум бўлган. Албатта бунинг учун ўта сезгир бўлиш лозим. Ароматера-пия фани эса айнан хид билан да-волаш ҳақидаги фандир.

Шуниси аниқки, харидорлар-нинг 70-80 фоизи сотиб олаётган озиқ-овқат хоҳ пардоз, хоҳ техника маҳсулоти бўлмасин, ўзлари сезмаган ҳолда унинг ҳидига қараб баҳолайдилар. Ишлатилган автома-шиналарнинг айри зукко сотувчи-лари ёнидаги идишига атайлаб хушбўй моддаларни қўшадилар. Чунки бунда машина худди яп-ян-гидек таассурот уйғотади-да. Усти-га-устак, «автомобилнинг ҳалол сотувчиси» — хушбўй аралашмаси-нинг пайдо бўлиши хориждаги баъзи харидорларнинг сотувчи гапига лаққа ишонган ҳолда кўзни чирт юмиб пулни санаб бериш имконини яратади. Феромон — хулқ-атворга таъсир кўрсатиб, би-рор ишга ундовчи ёки унинг тес-карисини бажаришга ундовчи мод-данинг таъсир кучига энди ишон-гандирсиз.

Бека

Карамли тузлама

3 килограмм карам майда-лаб тўғралади, 3 килограмм қизил сабзи қирғичдан ўтка-зиб қўшилади. Бошқа бир идишга 8 килограмм помидор майда қилиб тўғралади, 5 боғ шивит ва петрушка қирқила-ди. Тўғралган ҳамма масаллик-лар қайта идишга солиб ара-лаштирилади. Устига 200 грамм пахта ёғ, 200 грамм ша-кар, 200 грамм туз қўшиб ара-лаштирилади. 1 литрлик бан-каларга масалликлар жойлана-ди ва сувли идишда ярим соат давомида қайнатиб олинади. Сўнг махсус қопқоқда маҳкам-ланади.

Булғор қалампирдан салат

Булғор қалампирини дон-ларидан тозалаб, ювасиз. 3 дақиқа қайноқ сувга солинг. Сўнг тезда совуқ сувга солиб олинг. Сувини силқитиб пар-раклаб тўғранг ва идишларга жойланг. Қайнатилган иссиқ эритма (1 литр сувга 70 грамм шакар, 35 грамм туз, 8 грамм лимон кислотаси) устидан қўй-иб, масаллик тўлдирилган ҳар бир идишда идишни ярим соат мuddатда сувли идишда қай-натилади.

Тошкент шаҳар ҳокимияти "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар бўлими

"Севимли шахрим" акцияси доирасида "Дилимдасан-пойтахтим" энг яхши эстрада кўшиқлари мавзусида кўрик-танловини эълон қилади

Мазълумотлар ТТВ телеканали, "Пойтахт-информ" радиостанцияси, "Тошкент оқшоми", "Вечерний Ташкент", газеталарида.

Кўрик-танлов шартлари:

Ижрочиларнинг ёши чегараланмаган;

Танловда ҳаваскорлар ва профессионал ижрочилар қатнашиши мумкин;


Кўшиқ илк бора ижро этилиши керак;

Кўшиқ сифатли аудиоускуналарга (мини-диск, CD) ёзилиши керак.

Тақлифлар 1 октябрғача қабул қилинади.

Энг яхши кўшиқ танловини ҳақсиз равишда радио-мухлислар томонидан аниқланади.

www.tashkentkamolot.uz
Маъзил Тошкент шаҳар, 700005, Мовароуннаҳр кўчаси, 14
Маълумот учун телефонлар: 133-21-05, 133-38-03



ОММАВИЙ СПОРТ ТАДБИРИ

Обод маҳалла йилига бағиш-ланган маънавий маърифий ва оммавий спорт тадбирлари ма-ҳаллаларда режа асосида ўтка-зилмоқда.

Жумладан Шайхонтоҳур туман-нинг «Шодлик» маҳалласида «Ка-молот» ЕИХ туман бўлими қоши-даги «Маҳалла ёшлари тарбиячи-си» маркази ташаббуси билан ом-мавий спорт тадбири бўлиб ўтди. Унда Ибн Сино, «Белтепа», «Шод-лик», Ёқуб Зияев маҳаллаларидан 150 нафардан ортиқ ёшлар қат-нашдилар.

Тадбирдан кўзланган мақсад турли йўналишлардаги ва спорт тўғрақларида қатнашаётган маҳал-ла ёшларининг спортга бўлган қизиқишларини янада ошириш, уларни соғломлаштириш, вақт-ларини мазмунли ўтказишга шаро-ит яратишдир.

Мусобақа ғолиблари «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати туман бўлими томонидан Фаҳрий ёрлик-лар билан тақдирландилар.
Нодира НИЗАМОВА

Назм бўстониди

ЎЗБЕКИСТОНИМ

Сокин шамолингдан айланай элим,
Гўзал жамолингдан айланай элим,
Ширин каломингдан айланай элим,
Гуллагин, яшнагин Ўзбекистоним.

Темурдек боболар айт-чи қайда бор,
Тўмарис моюлар айт-чи қайда бор,
Оромбахш наволар айт-чи қайда бор,
Гуллагин, яшнагин Ўзбекистоним.

Бошингда соябон Хумо бахт қуши,
Мовий байрогингни ял-ял ёниши,
Оламини тутмоқда ўзбек товуши,
Гуллагин, яшнагин Ўзбекистоним.

Тупрогинг алишмам ҳатто тиллога,
Жамолинг йўғрилган нурли жилогга,
Муқаддас Ватансан Ҳикматиллога,
Гуллагин, яшнагин Ўзбекистоним.

СЎЗЛАГАН ЧОГИНГ

Оққуш бўлиб учгим келади,
Булутларни кучгим келади,
Ёмғирларни ингим келади,
Муҳаббатдан сўзлаган чоғинг.

Юрагингда бўлсайдим қани,
Олов қалбим кўмсайди сени,
Ёр кўксингда ўлсайдим қани,
Муҳаббатдан сўзлаган чоғинг.

Кўзларингда сирли сеҳр бор,
Ўзларингда нурли меҳр бор,
Оташ қалбим кўмсайди такрор,
Муҳаббатдан сўзлаган чоғинг.

ЖОН БЕРАЙИН

Ой жамолинг тунда кўрдим кундуз бўлди,
Оху кўзинг ошиқ учун юлдуз бўлди,
Юрагиндан илк севгидан гул из

бўлди,
Жоним менга бағрингни оч, кун кўрайин.

Рухсорингни кўриб нетай учди хушим,
Сенсиз ўтмас ҳатто ҳар бир кўрган тушим,
Қора холдан бир бўса бер, эй Куму-шим,
Жоним менга бағрингни оч, кун кўрайин.

Майли гулим мен йўлингга сарсон бўлай,
Рози бўлгин бўйнингдаги маржон бўлай,
Ишқ йўлида санинг учун хазон бўлай,
Жоним менга бағрингни оч, кун кўрайин.

Ошиқ бўлдим мен бир булбул сендай гулга,
Билмам қандай тушиб қолдим ушбу йўлга,
Раҳм айла Ҳикматбекдай ошигингга,
Жоним менга бағрингни оч, жон берайин.

ОШИҚ ҲОЛИ

Тўй хонада тўй кечаси,
Келин бўлган сулув қиз,
Ўн беш кунлик ой тимсоли
Тўлин бўлган сулув қиз.

Сулув қизга бахт тилайди,
Онажони, дадаси,
Эй тўлин ой эслатиб қўй,
Қани берган ваъдаси.

Тўйхонада шароб тутар,
Шароб захар бўлсайди,
Вафосизим нима қилай,
Юрак сени кўмсайди.

Ипақдек гул майин сочинг,
Бўлди мен учун қамчи,
Ушанда ҳам бахт тилай,
Бахтли бўлгин алдамчи.

АЙРИЛИК

Мухаммад Юсуф хотирасига

Анджон шамоллари
Қабринг сийлади букун,
Кўзлари ёшли онанг
Дуо тилайди бу кун.
Қалби пок фарзандларинг,
Бағрин тилгайди бу кун,
Сен тинглайсаними бироқ
Бевақт узилган япроқ.

Сен куйлаган райҳон ҳам,
Қабринг узра парвона.
Сен куйлаган осмон ҳам.
Кўз ёш тўқар ҳайрона,
Анджонда сен йўксан,
Хувиллайди остона.
Сен англайсаними бироқ,
Бевақт узилган япроқ.

Бординг маънос мардона,
Аждодларинг ёнига.
Афсус умринг етдику,
Охирги поёнига.
Севганинг зор йилгайди.
Сигмай ўз жаҳонига,
Сен келмайсан-ку бироқ,
Бевақт узилган япроқ.

Чикдинг арши аълога,
Шеърят зинасидан,
Қурдинг ишқинг қасрини,
Муҳаббат шодасидан
Тоабод ўчмас номинг,
Дунё ҳазинасидан.
Қалбда ашайсан узоқ,
Бевақт узилган япроқ...

Ҳикматулло Жўраев

ОНА ВА БОЛА САЛОМАТЛИГИ УЧУН

Республика Соғлиқни сақлаш вазирлигида Осие тараққиёт банки томонидан мам-лакатимизда она ва бола соғлигини яхшилаш борасидаги лойиҳасини тайёрлаш учун 500 минг АҚШ доллари миқдоридаги грант техник кўмаги иш бошлади. Мазкур грант учун маблағ Япония ҳукуматининг махсус жамғармаси томонидан берилди.

— Ўзбекистон она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш соҳасида анчагина ютуқларга эришди, — деди йиғилишда сўзга чиққан Осие тараққиёт банкининг мамла-катимиздаги ваколатхонаси директори Шон О' Салливан. — Аммо Мингйиллик ривож-ланиш баённомаси мақсадла-рига эришиш учун, айниска болалар ва оналар ўлимини қисқартириш борасида мам-лакатнинг орқада қолишига

йўл қўймаслик зарур. Хоми-ладорлик ва туғиш вақтида олдини олиш мумкин бўлган кўпгина асоратлар репродук-тив ёшдаги аёллар ўртасида ўлим хавфини ва меҳнатга лаёқатсизлик ҳолатини ку-райтиради. Шунингдек, мам-лакатдаги беш ёшгача бўлган болалар ўртасидаги кўпгина касалликлар оналар соғлиги ва овқатланишининг ёмонли-ги, ҳомилдорлик даврининг кўнгиладигидек ўтмаганлиги,

янги туғилган чақалоқлар парвариши яхши бўлмаган-лиги сабаблидир. Мазкур лойиҳа Осие тарақ-қиёт банкининг Ўзбекистон соғлиқни сақлаш тизимида-ги биринчи лойиҳаси ҳисоб-ланади. У тиббий хизмат кўрсатишни янада яхшилаш-ни йўлга қўйиб, болалар ва оналар ўлимини қисқарти-риши кўзда тутмоқда. Тех-ник кўмакнинг умумий қйма-ти 769 минг доллар бўлиб,

шундан 269 минг доллари ҳукумат улушига тўғри кела-ди.

Грантни топшириш маро-симиди Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирининг биринчи ўринбосари Дамин Асадов, Япониянинг мамлакатимизда-ги Фавуқодада ва Мухтор эл-чиси Акио Кавато, Вазирлар Маҳкамаси Ташқи иқтисодий муносабатлар ва хорижий ин-вестициялар департаменти бошлиғи Улугбек Розиков, лойиҳанинг соғлиқни сақлаш бўйича иқтисодчиси Карима Солихлар иштирок этишди.

«Туркистон-пресс»

Спорт

Смирновга ҳеч ким бас келолмади

Куни кеча Франциядан хуш-хабар олинди. Европанинг энг гўзал мамлакатига энгил атлетика бўйича ўтказилган жаҳон чемпионатида спортчимиз Виталий Смирнов 48. 49 сония билан маррага рақибларидан биринчи бўлиб етиб келди. Биз эса кўпнинг сонли муҳлислар номидан уни жаҳон чемпиони номини кўлга киритганлиги билан кутлаймиз. Дарвоқе энгил атлетика бўйича ўтказилган жаҳон чемпионати баҳсларида умумжамоа ҳисобида Беларусь ҳамда Россия жамоалари 3 тадан олтин ва 3 тадан кумуш медалларни кўлга киритиб пешқадамлик қилишди.

Биринчи лигада тўп суради

Футбол бўйича Ўзбекистон биринчилигининг иккинчи лигасида тўп сураётган жамоалар иштирокида «Мустақиллик Кубоги» мусобақалари ўтказилди. Тошкент шаҳрида уюштирилган турнирнинг голлиблиги учун Юнусобод туманининг «Посбон» ҳамда Собир Раҳимов туманининг «Саховат» жамоалари ўзaro беллашишди. Муросасиз, кескин ва қизиқарли кечган учрашувнинг 90 дақиқасида 1:1 ҳисоби қайд этилди. Белгиланган қўшимча вақтда ҳам томонлар мурося йўлини танаशाгач, голлиби аниқлаш учун пенальти белгиланди. Пенальтилар сериясида 5:4 ҳисобида Юнусободлик рақибларини енса олган «Саховат» жамоаси «Мустақиллик Кубоги» соҳиби деб эълон қилинди. Кувонарлиси шундаки, «Саховат» футболчилари келгуси йилдан биринчи лигада тўп суришади.

Акбар Йўлдошев

Вилоятлараро Жанубий Мирзаҷул каналидан фойдаланиш бошқармасининг кўма Механизациялашган колоннаси таркибидagi «Botiometrik markaz» давлат унитар корхонаси Ўзбекистон Республикаси Кишлоқ ва Сув ҳўжалиги ва зирлигининг «Ўзсувтаъмир-фойдаланиш» Республика бирлашмаси таркибига ўтказилганлигини билдиради.

Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси хузуридаги Қўриқлаш бошқармаси, Куролли Кучлар сафида хизмат қилган, маълумоти ўрта, ўрта-максус, Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятининг Тошкент, Қўрай, Заңгиота туманларида мўким яшаш жойига эга бўлган, бўйи 170 сантиметрдан кам бўлмаган, ёши 25 дан ошмаган ёшларни танлов асосида хизматга тақлиф этади.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Қашкар мавзеси, 3-уй.
Автобуслар: 38, 72, 148, 67, 57, 10. Олой бозорининг 31-поликлиника қаршисида.

Маълумот учун телефонлар: 34-04-30, 136-19-11, 133-01-65.

Қўрай туманидаги Й.Охунбобоев номи 17-ўрта мактаб томонидан 1988 йили Ризаева Нигора Кургановна номига берилган 445567-рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Тошкент шаҳар ҳокимияти
«Камолот» ёшлар иқтимоий ҳаракати
Тошкент шаҳар бўлими

«Севимли шахрим» акцияси доирасида «Тошкент-гулшар шахри» кўрик-танлови ўтказилади.

Кўрик-танлов шартлари:
Кўрик-танловда Тошкентдаги корхоналар, ўқув муассасалари ва пойтахт фуқаролари иштирок этишлари мўкин.

Сизнинг фантазияңыз ажойиб гулзорлар, боллар, маисазорлар, турли манзарали гулдворлар ва бошқа ўзига хос ландшафт ечилилари яратилишига қўйишга зарур.

Кўрик-танлов иштирокчилари яратилган гулзорлар ва манзарали ўсимликларнинг фотосуратлари ва бидеотасмаларни ташкилотчиларга 1 октябрдан тақдим этишлари зарур.

Зўриқилган фотосуратлар ва бидеотасмалар нудузги ҳайвон аъзолари бононида қўйилиб шиклади ва юзлаб аниқланади.

Маълумотлар
ТТV телеканали, «Пойтахт-информ» радиостанцияси, «Тошкент оқишони», «Вечерний Ташкент» газеталарида.

www.tashkentkamolot.uz
Мажлис: Қасбийи Мажлис, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Тошкент шаҳар бўлими, 133-05, 133-38-03

«02»: ҲОДИСАЛАР

тергов ҳаракатлари давом этмоқда.

- Тошкент шаҳар ИИББга «Тошкент метрополитен қурилиш» трести ҳўвлисидagi юк кўтариш кранидан 40 метр электр кабели ўғирлаб кетилганлиги ҳақида ариза тушди. Унга кўра зудлик билан тегишли чора-тадбирларни амалга оширган милиция ходимлари томонидан Юнусобод туманида яшовчи ушбу жиноятни содир этган Ю.Карим кўлга олинди.
- Ю.Карим билан тергов жараёнида аниқландики, у К.Шарипов кўчасидаги 4-сонли механизация бошқармаси олдида қаровсиз қолдирилган Б.Холбоева тегишли бўлган «ГА3—21» русумли автоуловдан 3 донга гилдирақни ҳам ўғирлаб кетган. Кабел ўғирлигининг шў этилиши яна бир жиноятнинг очилишига туртки бўлди.
- Мирзо Улўбег туманида илгари ушланган, 1980 йилда туғилган М.Ақбаров билан тергов жараёнида аниқландики, у 149 грамм марихуана моддасини 1960 йилда туғилган А.Шарипов исми шаҳсга сотган. А.Шарипов эса А.Юғнакий мавзесидagi улўбегчи бозорда ушланганда унинг ёнидан сотиш учун мўлжалланган 0,07 грамм «марихуана» моддаси олинди. Тергов давом этмоқда.
- Юнусобод туманида яшовчи Н.Мақсудхўжаева ўз хонадонида Г.Обидов исми шаҳсга қорадори истеъмол қилиши учун шароит ярати берган. Ва бунинг эъзига ундан 60000 сўм пулини олиб қолган. Тергов жараёнида Н.Мақсудхўжаеванинг бу каби ҳолатларни бир неча бор содир этганини аниқланди. Далилий ашў сифатида унинг хонадонидан 1 миллион сўмдан ортик пул топилган. Қорадори истеъмол қилишида фойдаланиладиган буюмлар хонадон эгасининг барча қилмишларини фош қилди. Хозирда ушбу жиноий ҳолат юзасидан тергов ишлари давом этмоқда.

Тошкент шаҳар ИИББ матбуот маркази материаллари асосида Адибахон РАХМАТУЛЛАЕВА тайёрлади.

Табассум

Эрталаб хотин эрига деди:
— Дадаси, бугун тушимда Африкада юрганмишман, тавба.
— Хали бунақанги ухлашингда бемалол Марсга ҳам учиниш мўкин.

Нонушта пайтида хотин эрига деди:
— Туни билан уйқуриб гапириб, аллақандай бир аёлни исмини айтиб, қақриб чикдингиз. Хўш, ўша аёл ким, ҳозирок айтасиз?!

— Намунча ховлиқдан хотин, ахир тушимда чақирганманку, ўнгимда чақирганимда ҳам сен бор уйга унча-мунча аёл зоти киролмайди.

— Вой ўлмасам дадаси, шунақанги галати туш кўрибманки, айтишга тилим бормаиди.
— Нимани кўрибсан, бошлаганидан кейин гапирди.
— Ажрашаётганимиз дэдаси, иккаламиз судда ўтирганмишмиз.
— Афсус аёлларни туши тескари келади, дейишди. Негадир ажралиш ҳақида кўп ўйласам ҳам бунақанги тушлар кўрмайман.

Ўта рашқчи хотин дам олишга кетган эридан шошилишчанома олди:
— Азизим, ҳеч хавотирланмай бемалол юравер, бу ердагиларнинг кўпчилиги эрлар билан келишган экан. Ундан ташқари ёлғиз келганлар орасидан ҳам сендан яхшироғига кўзим тушмади.
Ўз ўрнида хотин эрига жавоб йўллади:
— Сизнинг ҳам кўнглингиз тўх бўлсин. Ен қўшимиз ўғил кўрди, ҳозир туғруқхонада, лекин унинг эри мени ҳеч қизиқтирмайди.

— Жўнаш вақтидан ўн дақиқа ўтиб кетди-ю, нега поездимиз юрмаяпти? — деди йўловчи ҳамроҳларига қараб.

— Вокзал бошлигининг қайнотаси шу поездга билет олган экан кечикаётганимиз, — дея жавоб берди ёнидаги йигит.

Поезд жўнашига ярим соат қолганда эр хотинидан сўради:
— Ҳеч нарса ёдингдан кўтарилмадим, яна бир кўздан кечириб, эслаб олсанг бўларди.
— Менимча йўк, мана бу сумкада йўлда тамадди қилиш учун олинган овқатлар, термосда чойгага олганман. Иссик кийимларимиз жомадонда. Мана бу сумкада совга-саломлар, — дея хотин бармогини тишлаб ўйланди қолди.
— Ха, бирон нарса ёдингдан кўтарилибдими? — дея, сабрсизлик билан сўради эр.
— Эсимдан чикмасин, кўз олдимда турсин, деб чиптани стол устига қўйганим, қолиб кетдиби.



Кўчада ва уйда. Абдурасул Ҳакимов чизган расм.

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
хитлар — 133-29-70;
эълонлар — 133-28-95, 133-11-39;
факс: (3712) 133-29-09.

Хажим — 2 босма табоқ, офсет усулида босилди.
4204 нусхала босилди. Қогоғи бичими А-3

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чақиди.
Нашр кўрсатқичи — 563

Газета Ўзбекистон Давлат матбуот қўмитасида 10-рақамли билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимига ёки «Тошкент почтачиси»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилинишига мўкин.

Газета «Тошкент оқишони»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бошқаровида.
Корхона манзил: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.